PROEX

ХУСУСИЙ ЭКСПЕРТИЗА – АДОЛАТ ЙЎЛИДА!



САМАТОВ ТЎЛҚИН АЗИЗОВИЧ- “PROEX” нодавлат суд экспертизаси ташкилоти директори

ТАҚДИМОТ РЕЖАСИ:

- ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ ВА ЗАРУРАТИ
- ТАШКИЛ ТОПИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ
- ТАШКИЛОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ
- ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ
- АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ
- СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТУРЛАРИ
- ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ
- КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ
- ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК
- ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ
- ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
- ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР



ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ ВА ЗАРУРАТИ

Ташкил топиш тарихи:

- PROEX 2020 йил октябрь ойида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 2020 йил сентябр ойида Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази томонидан ходимларга **сертификат** берилган.

Зарурати:

- Суд-экспертиза соҳасида соғлом ва ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш;
- Экспертлик хизматларида таққослаш принципини жорий этиш ва турли эксперт хулосаларини қиёсий баҳолаш имкониятини яратиш;
- Давлат ва нодавлат экспертлик ташкилотлари ўртасида тенг рақобат шароитларини ривожлантириш;
- Экспертлик хизматлари сифати, холислиги ва шаффофлигини ошириш;
- Фуқаролар ва ташкилотларга муқобил экспертлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш.



НОДАВЛАТ СУД ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Жами: 12 та
Шундан ЎРҚ 1 та, ПФ 1 та, ПҚ 2 та, ВМҚ 8 та

1. Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида **ЎРҚ–1152-сон, 11.06.2026 йил**
2. Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида **ПФ–6256-сон, 05.07.2021 йил**
3. Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида **ПҚ–270-сон, 08.09.2025 йил**
4. Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида **ПҚ–4125-сон, 17.01.2019 йил**
5. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида **ВМҚ–474-сон, 08.09.2026 йил**
6. Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида **ВМҚ–706-сон, 22.11.2021 йил**
7. Суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида **ВМҚ–705-сон, 13.12.2022 йил**
8. Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида **ВМҚ–73-сон, 21.02.2023 йил**
9. Суд экспертизасини ўтказишда электрон ахборот тизимлари орқали ҳужжатлар алмашинувини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида **ВМҚ–74-сон, 20.02.2026 йил**
10. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари томонидан ўтказиладиган суд экспертизаларининг мураккаблик даражасини аниқлаш тартиби ва суд экспертизаларини амалга ошириш муддатларини тасдиқлаш ҳақида **Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 10 январь, рўйхат рақами 3488**
11. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларининг касб этикаси қоидаларини тасдиқлаш ҳақида **Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 март, рўйхат рақами 3422**
12. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ҳар бир суд-экспертиза турлари бўйича уларни моддий-техника базаси билан жиҳозлашга қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлаш ҳақида **Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 декабрь рўйхат рақами 3402**



АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:

- **Суд экспертизаларини ўтказиш** — жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек ваколатли органлар, адвокатлар мурожаатлари асосида эксперт тадқиқотларини амалга ошириш.
- **Холис эксперт хулосаларини тайёрлаш** — илмий, техник ва махсус билимларга асосланган хулосалар бериш.
- **Муқобил экспертлик хизматларини ривожлантириш** — давлат экспертлик муассасалари билан бир қаторда нодавлат экспертлик имкониятларини кенгайтириш.
- **Таққослаш ва қиёсий таҳлил** — зарур ҳолларда эксперт тадқиқотлари натижаларини таққослаш орқали ишончлиликни баҳолаш.
- **Экспертлар малакасини ошириш** — мутахассисларнинг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш.
- **Замонавий технологияларни жорий этиш** — экспертиза жараёнларида илғор усуллар ва техник воситалардан фойдаланиш.
- **Суд-ҳуқуқ тизимига кўмаклашиш** — судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ваколатли ташкилотларга махсус билимлар асосида ёрдам кўрсатиш.



ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

РАҲБАРИЯТ
ташкилот фаолиятини бошқаради
ва стратегик ривожланишни белгилайди.

ЭКСПЕРТЛАР ЖАМОАСИ
турли йўналишларда махсус тадқиқотлар
ўтказади ва эксперт хулосалари ва эксперт
фикрини тайёрлайди.



МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ
ҳужжатлар, мурожаатлар ва ташкилий
жараёнларни мувофиқлаштиради.

ТЕХНИК ТАЪМИНОТ
экспертиза жараёнларини зарур
ускуналар ва технологиялар билан
таъминлайди.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТУРЛАРИ

- ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ
- ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАСИ
- СУД-ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА
- СУД ҚУРИЛИШ-ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАСИ
- СУД-ЕР ЭКСПЕРТИЗАСИ
- СУД-ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ
- ТОВАРШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ
- МАХСУС КУКУНЛАР ВА МАРКЕРЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ





ЭКСПЕРТЛАР:



ОЛЬГА ПЕТРОВНА МАРШАНСКАЯ

ЭКСПЕРТ-ТРАСОЛОГ, **50 ЙИЛЛИК** ТАЖРИБАГА ЭГА, **«ДЎСТЛИК»** ОРДЕНИ СОҲИБИ, ТРАСОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЕТАКЧИ ЭКСПЕРТ.



МЎМИНОВА НАСИБА ЖАББОРОВНА

СУД-ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ МУТАХАССИС, **20 ЙИЛЛИК** ТАЖРИБАГА ЭГА.



МИФТАХОВА АЛЬБИНА ЮРЬЕВНА

СУД-ХАТШУНОСЛИК ВА ТЕХНИК-КРИМИНАЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗАСИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ЭКСПЕРТ, **22 ЙИЛЛИК** ТАЖРИБАГА ЭГА.

“PROEX” ТАШКИЛОТИДА ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ

1. **Мурожаатни қабул қилиш** — экспертиза ўтказиш бўйича ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиш.
2. **Материалларни ўрганиш** — тақдим этилган ҳужжатлар ва объектларни дастлабки таҳлил қилиш.
3. **Эксперт текшируви** — махсус билим ва замонавий усуллар асосида илмий тадқиқот ўтказиш.
4. **Натижаларни таҳлил қилиш** — олинган маълумотларни баҳолаш, хулосалар ва эксперт фикрини шакллантириш.
5. **Эксперт хулосасини расмийлаштириш** — тадқиқот натижалари бўйича асосланган эксперт хулосасини тайёрлаш ва буюртмачига тақдим этиш.

Экспертиза жараёнида холислик, мустақиллик, қонунийлик ва илмий асосланганлик тамойилларига риоя этилади.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИГА

ташриф буюрилиб, суд-экспертлик фаолияти бўйича халқаро тажриба алмашилган.

- **Асосий мақсадлар:**
- Суд экспертизаси соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш;
- Экспертлик тадқиқотларининг замонавий усуллари билан танишиш;
- Касбий билим ва малакани ошириш;
- Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.









ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК



2021 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош криминалистика маркази билан ҳамкорлик келишуви имзоланган.

2021 ЙИЛ 22 ЯНВАРЬ

Қозоғистон Суд экспертлари палатаси билан суд экспертлик фаолияти бўйича ҳамкорлик келишуви имзоланган.

2022 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ

Қозоғистон Республикаси Оқмола вилояти Адвокатлар ҳайъати Президиуми билан суд-экспертлик хизматлари кўрсатиш, методик ишлар ва онлайн тренинглар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланган.

2026 ЙИЛ 11 ОКТЯБРЬ

«Россия Федерацияси Суд-экспертлик палатаси» умумроссия жамоат ташкилоти билан битим имзоланди.

МАҚСАД:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан суд-экспертлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик меморандумини имзолаш режалаштирилмоқда.

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ



Эксперт хулосаси — инсон тақдирига таъсир кўрсатган муҳим далил!
Давлат эксперт муассасасида ўтказилган экспертиза натижаларидан юзага келган шубҳалар оқибатида бир фуқаро озодликдан маҳрум этилган.
Ишни қайта кўриб чиқиш жараёнида унинг адвокати ҳужжатларни мустақил экспертизадан ўтказишга қарор қилган. Шу вақтда PROEX нодавлат суд-экспертиза ташкилоти фаолияти ҳақида маълумот олиниб, ҳужжатлар бўйича экспертиза ўтказиш учун ташкилотга мурожаат қилинган.
PROEX томонидан ўтказилган экспертиза натижалари ишни қайта кўриб чиқишда муҳим аҳамият касб этган. Натижада фуқаро Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан оқланган.
Ушбу воқеа холис ва мустақил экспертизанинг инсон ҳуқуқлари ҳамда адолатни таъминлашдаги муҳим ўрнини намоён этади.
«Баъзан битта холис эксперт хулосаси инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этади».



ХУСУСИЙ ЭКСПЕРТИЗА — АДОЛАТ ЙЎЛИДА!

https://www.proex.uz/

